

Ўқтам Полвонов
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Ином Мотуридий халқаро
илмий тадқиқот маркази
боши илмий ходими

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙ АСАРЛАРИДА
“ИМОН” МАВЗУСИ БАЁНИ

EXPLANATION OF THE TOPIC OF “FAITH”
IN SAADUDDIN TAFTAZANT’S WORKS

ТЕМА «ВЕРЫ» В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ
САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИ

Калит сўзлар: ҳанафийлик, мотуридийлик, ашъарийлик, фиқҳ, имон, калом, ақида, мантиқ, далил, ижсомий ва тафсилий имон, тақлидий ва таҳқиқий имон.

Key words: Hanafi, Maturidi, Ash'ari, fiqh, iman, kalam, aqeedah, logic, evidence, ijmal (total) and tafsili (detailed) iman, taqlidi (imitative) and tahqiqi (investigative) iman.

Ключевые слова: ханафия, матуридия, ашъария, фикх, иман, калам, ақида, логика, доказательства, иждемали (краткий) и тафсили (детальный) иман, тақлиди (подражанный) и таҳқиқи (расследованный) иман.

Кириш

Ўрта аср иккинчи Шарқ Ренессансининг таниқли мутафаккирларидан бири Саъдуддин Тафтазоний хисобланади. Унинг тўлиқ исми Масъуд ибн Қози Фахруддин Умар ибн Мавло Азим Бурхонуддин Абдуллоҳ ибн Ином Раббоний Шамсулҳаққ Шамсуддин Қорий Самарқандий Ҳаравий Тафтазоний Хуросоний Ҳанафий (722-792/1322-1390) бўлиб [4:190, 2:241, 1:734, 17:471], у Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркманистон, Ашхабод) шаҳридаги Тафтазон қишлоғида туғилган.

* U.Palvanov – Leading researcher of the Imam Maturidi International Scientific Research Center.

Саъдуддин Тафтазоний нахв, сарф, балоғат, усул ал-фиқҳ ҳамда фуруъ ал-фиқҳ (ҳанафий, шофиий ва моликий), мантиқ, ақида, ҳадис, тафсир ва бошқа илм соҳалари бўйича йирик олим бўлган [4:190]. Алломанинг куняси “Абу Саъид” бўлиб [8:304], у нафақат ислом оламида “аш-Шайх Саъдуддин” [18:389-390], “ал-Устаз” (устоз) [7:223], “ал-Ином ал-Кабир” (катта имом), “Устаз ал-уламо ал-мутааххирин ва саййид ал-фузало ал-мутақаддимин, мавлоно саъд ал-милла ва ад-дин, муъдил мизон ал-маъқул ва ал-манқул, муфтиҳ ағсон ал-фуруъ ва ал-усул” (кейинги олимлар устози ва мутақаддим фозил олимлар саййиди, миллат ва дин баҳтлиси, нақл ва ақл мезонининг тўғриловчиси, усул ва фуруъ шоҳлари очувчиси) [8:303-304], “ал-Ином ал-Аллома” (аллома имом) [2: 241], “Саъд ал-милла ва ад-дин” (миллат ва диннинг баҳтлиси), “Саъд ал-имом ал-аллома ал-фақиҳ ал-адиб ал-ҳанафий” (ҳанафий фақиҳ адиг олимлари имомининг баҳтлиси) ва “Олим ал-машриқ” (Шарқнинг олими), “Ҳабр ал-умма, шамс ал-аймма” (Уммат олими, имомлар қуёши) [9:446], “ал-аллома ас-саний” (иккинчи аллома), “ал-Муҳаққиқ ас-сомадоний” [6:49] каби номлар билан машҳур, балки ўзининг геометрия, математика, фалсафа, мантиқ, адабиёт каби аниқ ва гуманитар фанларга оид кўплаб қомусий асарлари билан жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган олим сифатида эътироф этилади.

Ақоид илмидағи барча масалалар бевосита “имон” мавзуси билан боғлиқ бўлиб, у эътиқоднинг асос-мағзи саналади. Масаланинг моҳияти шундаки, мавзу борасидаги Аҳл ас-сунна билан мозийда ўтган хавориж, мұтазила, муржия, жаҳмия ҳамда бугунги кунда фаолият юритаётган Ҳизб ат-тахрир, салафий каби тоифаларнинг қарашларини танқидий ўрганиш бўлса, иккинчи томондан, Аҳл ас-суннадаги мотуридия, ашъария таълимотларининг муштарақ ҳамда фарқли жиҳатларини илмий асосда таҳлил қилишdir. Жумладан, хавориж, мұтазила, муржия, жаҳмия, Ҳизб ат-тахрир ва салафий каби тоифаларнинг қарашлари очиқ-ойдин ботиллиги масаласидир. Аммо, мотуридия ва ашъария таълимотлари аслида умумий муштарақ фикрий ва манбавий асосга қурилган бўлса-да, зоҳиран қараганда, уларда ўзаро фарқ мавжуд. Шу туфайли, бугунги кунда баъзи тор доира вакиллари томонидан ашъария таълимотига нисбатан “мутаассиб” сифатида қараш ҳолатлари кузатилади. Зотан, масаланинг бу жиҳатига илмий таҳлил билангина аниқлик киритиш мумкин.

Ўрта аср иккинчи Шарқ Ренессансининг ёрқин намояндаларидан бири аллома Саъдуддин Тафтазоний ал-Ханафий (722-792/1322-1390) хисобланади. У нахв, сарф, балоғат, усул ал-фикх ҳамда фуруъ ал-фикх (ханафий, шоғиғий ва моликий), мантиқ, ақида, ҳадис, тафсир, геометрия, астрономия ва бошқа шу каби илм соҳалари бўйича етук аллома бўлган. Жумладан, хозирда олимнинг турли фанларга оид элликдан ортиқ асарлари аниқланган.

Мотуридия таълимоти ривожида Саъдуддин Тафтазоний катта мавқега эгадир. Олимнинг бу борадаги хизматини – алохида асарлар битиш, муайян ақидавий масала ҳакидаги олдин ўтган олимларнинг турли фикрларини таҳлилий хulosалаш ва масалаларни илмий асосда кўшимча тарзда далиллаш каби учта туркумга ажратиш мумкин. Хусусан, мазкур учта ҳолат олимнинг “имон” мавзусидаги қарашларида ҳам намоён бўлади.

Имон мавзуси эътиқоднинг асос-мағзи бўлгани туфайли ҳам, аллома уни батафсил ёритган. Зеро, Саъдуддин Тафтазонийнинг каломга оид асарлари ва Имом Абу Мансур Мотуриди (243-332/857-944)нинг “Китоб ат-Тавҳид”асарнинг қиёсий таҳлили орқали алломанинг “имон” мавзуси доирасида мотуридия таълимоти ривожига кўшган ҳиссаси салмоғини аниқлаштириш мақсадга мувоғик. Ушбу мақолада эса, мазкур мавзу ҳакида сўз юритилади.

One of the brightest representatives of the Second Eastern Renaissance of the Middle Ages is Allama Sa‘d al-Dīn Taftāzānī al-Hanafī (722-792/1322-1390). He was a scholar in the fields of grammar (nahw), morphology (saraf), eloquence (balagha) usul al-fiqh and furu al-fiqh (ḥanafī, shāfi‘ī and mālikī), logic, aqeedah, hadith, tafsir, geometry, astronomy and other similar sciences. In particular, more than fifty works of the allāma on various subjects have been identified.

Sa‘d al-Dīn Taftāzānī occupies an important place in the development of the teachings of māturīdīyya. The work of the scholar in this area can be divided into three categories: writing of books, an analytical summary of the various views of previous scholars on a specific creedal issue and additional substantiation of the issues on a scientific basis. In particular, these three cases are reflected in the views of the scholar on the topic “Iman” (Faith).

Even because this topic is the basis of creed, the scholar dwelled on it in detail. Indeed, through a comparative analysis of the theological works of Sa‘d al-Dīn Taftāzānī and “Kitāb al-Tawhīd” by Abū Mansūr al-Māturīdī (243-332/857-944), it is advisable to determine the scholar’s contribution to the development of the teachings of māturīdīyya on the topic “Iman”. This article focuses on this issue.

Одним из ярких представителей Второго Восточного Ренессанса Средневековья является ученый Саъдуддин Тафтазани аль-Ханафи (722-792/1322-1390). Он был ученым в областях грамматики (нахв), морфологии (сарф), красноречии (балага) усул аль-фикх и фуру аль-фикх (по ханафии, шафии и маликии), логики, ақиды, ҳадисов, тафсира, геометрии, астрономии и в других подобных науках. В частности, идентифицировано более пятидесяти работ ученого по различным предметам.

Саъдуддин Тафтазани занимает важное место в развитии учения Матуридизма. Работу ученого в этой области можно разделить на три категории: завершение отдельных произведений, аналитическое резюмирование взглядов предыдущих ученых на конкретные вопросы ақиды (вероучения) и дополнительное обоснование вопросов на научной основе. В частности, эти три положения отражены во взглядах ученого на тему “Иман” (Вера).

С учетом того, что эта тема «Иман» является основой вероубеждения, ученый подробно остановился на ней. Действительно, посредством сравнительного анализа богословских работ Саъдуддин Тафтазани и “Китаб ат-Тавҳид” имама Абу Мансура Матуриди (243-332/857-944), целесообразно определить вклад ученого в развитие учения Матуридизма на тему «Иман». В этой статье речь идет о вышесказанной теме.

Мавзу нафақат тарихда, балки буғунги глобаллашув шароитида бутун мусулмон олами ва Ўзбекистонда ҳам долзарб саналади. Чунончи, бу ҳолатни аллома яшаган асрда ҳалқлар ва худудларнинг ўзаро интеграциялашуви содир бўлган жараёнда ҳам кузатиш мумкин. Яъни, Амир Темур томонидан мамлакатга бирлаштирилган, Хуросон каби ўлкалар аҳолиси билан Мовароуннаҳр аҳолиси ўртасида ўзаро алоқалар кучайган. Бу эса, жамият аъзоларининг ўзаро жипслигини таъминлашда икки таълимот тарафдорлари ўртаси мувоғиқлигини илмий жиҳатдан мувоғиқлигини кўрсатиб беришни тақозо этган. Шунга кўра,

Саъдуддин Тафтазоний асарларида мазкур мавзу қай даражада ёритилганини тадқиқ этиш мақсадга мувоғик. Шунинг баробарида, уни мотуридия таълимоти асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг “Китоб ат-Тавҳид” асарига бирламчи манба сифатида қиёслаб ўрганиш алломанинг ушбу таълимот ривожига кўшган ҳиссасини илмий жиҳатдан очиб беришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасизdir. Саъдуддин Тафтазоний ёзма меросини ўрганиш жараёнида мазкур мавзуга бевосита боғлиқ тўққизта масалага алохида тўхталиб, ёритилгани аниқланди. Булар:

1. Имоннинг таърифи. Саъдуддин Тафтазоний ушбу мавзуга тўхталар экан, дастлаб, “имон” сўзининг луғавий ва шаръий маъноларини батафсил изоҳлаган. Жўмладан, у “Имон сўзининг луғавий маъноси “тасдиқлаш”дир. Яъни, мухбир (хабар берувчи)нинг хукмига бўйсуниб, уни қабул қилиш ва мухбирни тўғри сўз деб билишдир”, – деб алоҳида қайд қилган. Сўнг, у ушбу атаманинг грамматик жиҳатини оят ва ҳадислардан далил келтириб, батафсил ёритган [14:288, 11:95, 16:175, 12:113]. У ўзидан олдин яшаган Аҳл ас-сунна олимлари “тасдиқлаш” ўрнига “маърифат” ва “ilm” сўзларини қўллагани ҳакида ҳам тўхталиб, ушбу иборалардан мурод бу – “тасдиқий илм”, дея таъкидлаган [12:113].

Саъдуддин Тафтазоний “имон” сўзининг шаръий маъносини “Набий (с.а.в.)нинг Аллоҳ таоло хузуридан олиб келган нарсасини зарурий билиш жиҳатидан қалб билан буткул “тасдиқлаш” [12:113], деб таъкидлаган.

Ином Абу Мансур Мотуридий эса, “Китоб ат-Тавҳид” асарида имоннинг луғавий маъносини келтирган бўлса-да, уни грамматик жиҳатдан шарҳламаган [3:475].

2. Ижмолий ва тафсилий имон. Бу масала киши барча шаръий ҳукмларга уларнинг номларини билмасдан, умумий тарзда имон келтирадими ёки шаръий ҳукмларнинг номларини бирма-бир келтириб, имон келтирадими, деган масаладир. Унинг моҳияти шундаки, мазкур ҳолатларда ҳар икки томоннинг ҳам имони дурустлиги ёки фақат “тафсилий имон”нинг мақбуллигидир. Бу ҳакида Саъдуддин Тафтазоний “умумий тасдиқлашнинг ўзи имон мажбуриятининг адосига кифоя ҳисобланади. У эса, “ижмолий имон” бўлиб, унинг даражаси имоннинг асл моҳияти жиҳатидан “тафсилий имон” мақомидан паст эмас. Аммо, “ижмолий имон”га нисбатан “тафсилий имон” тасдиқлашнинг кўплиги жиҳатидан нафақат зиёдароқ, балки, мукаммалроқдир” [14:290, 299], деб таъкидлаган. Шунингдек, алломанинг бу гапи “Шарҳ ал-Ақоид”нинг шарҳловчилари томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Зеро, воқелиқда имон мавзусини батафсил биладиганлардан кўра билмайдиганлар кўпчиликни ташкил қилиши инобатга олинса, ушбу фикрнинг аҳамияти аён бўлади. Билакс, аксар инсонлардан мўминлик сифатини олиб ташлашга тўғри келар эди.

“Китоб ат-Тавҳид”да “ижмолий имон” ва “тафсилий имон” масалалари ҳакида эса, тўхтаб тўхталинмаган [3:538].

3. Тақлидий ва таҳқиқий имон. Саъдуддин Тафтазоний “Рисола ал-худуд” асарида “тақлидий” сўзига “бирор гапни хужжатсиз қабул қилиш”, деб таъриф берган [13:10]. Бундан эса, шаръий масалаларнинг ҳукмларини далилларсиз эътироф этиш “тақлидий имон” ва уларни далиллари билан билиш “таҳқиқий имон” эканлиги маълум бўлади. Саъдуддин Тафтазоний масалани батафсил ёритиб, масаланинг таҳлили муқаддимасида “тақлидий имон”ни Шайх Абулҳасан Ашъарий, мұтазила тоифаси ва қўпчилик мутакаллимлар инкор этганликларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган. Уларнинг жоиз санамаганлигининг далилларини ҳам келтириб, уларга бирма-бир жавоб берган. Зеро, аллома уларда ҳеч қандай асосли нақлий далил йўқлигини айтиб, шунга кўра, уларнинг қарашлари нотўғрилигини алоҳида таъкидлаган [12:119-120]. Бу ўринда ҳам алломага икки вазифани: биринчидан, айни масала доирасида ашъария таълимотини Аҳл ас-суннадан эканлигини, иккинчидан, мұтазила тоифасининг қарашлари ботиллигини асослаш лозим бўлган. Аллома уларнинг иddaolariiga “дарҳақиқат, тасдиқ бу – илмсиз ва маърифатсиз ёки аксинча бўлиши мумкин. Хусусан, биз қиёматнинг барча жараёнларига уларнинг ҳолатлари ва васфларини билмаган ҳолда имон келтирамиз”, дея воқелик нуқтаи назаридан жавоб берган. Шунингдек, у ўтган саҳобалар, улардан кейинги имомлар, уламолар ва халифалар тақлидий имон соҳибиға мусулмон ҳукмларини жорий қилиб келганлигини баён қилиб, бу борада “Нисо” сурасининг 94-оятидаги: “Сизга салом йўллаган кимсага “Сен мўмин эмассан!”, деб айтманглар!”, деган калималарни ҳамда Пайғамбар (с.а.в.) нинг: “Кимки бизнинг намозларимизни ўқиса, қибламизга юзланса, сўйган жонлиқларимизни еса, демак, бу мусулмондир. Унинг учун Аллоҳ ва расулининг зиммаси бор. Бас, Аллоҳнинг зиммаси борасида унинг ваъдасига хилоф иш қилманглар”, деган ҳадисларини далил сифатида зикр қилиб ўтади [16:218-224].

“Китоб ат-Тавҳид”да “тақлидий имон” ва “таҳқиқий имон” масаласи ҳакида эса, тўхтаб ўтилмаган [3:538].

4. Имоннинг руқнлари. Кейинги масала имоннинг руқнлари бўлиб, бу мавзунинг асосий ва муҳим жиҳати ҳисобланади. Саъдуддин Тафтазоний мазкур мавзу доирасида нисбатан кўп маълумотни айни шу масалага жамлаб, унинг барча амалий ва эҳтимолий ҳолатларини келтириб, савол-жавоб тарзида холоса берган.

Шу каби жиҳатлар билан алломанинг мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси салмоқли бўлганини кўриш мумкин. У ўзи яшаган давргача имоннинг рукнлари борасида билдирилган фикрларни тўртта категорияга ажратган ва улардан ҳар бирининг тарафдорлари далилларини таҳлил килиб, қўйидагича батағсил ёритган:

1-категория. Имон бу – “қалб билан тасдиқлаш” учун ном бўлиб, Набий (с.а.в.)нинг Аллоҳ таоло ҳузуридан олиб келган нарсасини зарурий билиш жиҳатидан қалб билан тасдиқлаш. Кўпчилик ушбу фикрга қўшилган.

Шиа оқими, Жаҳм ибн Сафрон Самарқандий ва Абулхусайн Солиҳий наздида эса, имон бу – “маърифат” учун номдир. Имом Ашъарий ҳам, шунга мойил бўлган.

2-категория. Имон бу – “тил билан икрор бўлиш” учун номдир. Шунга қўшимча тарзда, “маърифат ал-қалб” шарт қилиниши мумкин. Жумладан, Ар-Риқошӣ наздида имон бу – “икрор” бўлиб, у маърифатни шарт қилган. Яхъе ибн Саъид ал-Қаттон (ваф. 198/814 й.) наздида тасдиқ шарт қилинган ва карромийларда эса, хеч қандай шартсиз икрорнинг ўзи, холос.

3-категория. Имон бу – “қалб билан тасдиқ ва тил билан икрор бўлиш” учун номдир. Кўпчилик муҳаққиқлар ушбу қарашни илгари сурғанлар. Жумладан, Абу Ҳанифадан ҳам бу ҳақида нақл келган. Лекин уларнинг айримлари “тасдиқ” ибораси ўрнига баъзан “маърифат”, “илм” ва “эътиқод” сўзларини ҳам қўллаганлар.

4-категория. Имон бу – “қалб билан тасдиқлаш, тил билан икрор бўлиш ва амалларни бажариш” учун номдир. Хавориж наздида, амални тарқ этган киши имондан чиқиб, куфрга киради. Мұтазилийлар наздида эса, амални тарқ этган киши имондан чиқса-да, куфрга кирмасдан икки манзил ўртасида қолади.

Аммо, салаф олимлари, аҳли ҳадис имомларининг барчаси ва аксар мутакаллимлар наздида амални тарқ этган киши имондан чиқмайди, лекин, жаннатга тўғридан-тўғри киришдан тўсилади ва дўзахга тушса-да, у ерда абадий қолмайди. Жумладан, Имом Молик, Имом Шоғийӣ, Имом Авзойдан бу ҳақида ривоят қилинган.

Шу ўринда Саъдуддин Тафтазоний тўртинчи категория борасида очик-ойдин мушкуллик борлигини айтган. Дарҳақиқат, бу фикрда асос бор. Чунки, биринчидан, мотуридия таълимоти тарафдорлари учинчи категорияга мансуб, иккинчидан, тўртинчи категориядаги Аҳл ас-сунна

таркибидағи ашъария таълимоти билан хавориж, мұтазила каби тоифаларнинг мавзу доирасидаги қарашлари зоҳиран бир хил ҳисобланади. Шунга кўра, ашъария таълимоти билан бошқа адашган тоифаларнинг қарашлари ўртасидаги фарқни илмий жиҳатдан ажратиб беришни тақозо қиласи.

Аллома ушбу муаммо очимини дастлаб мантиқ услугига кўра, савол-жавоб тарзда таҳлил қилиб, ҳulosса қилган. У “қандай қилиб имонга унинг рукни – амалнинг йўқолиши билан путур етмайди”, “қандай қилиб имоннинг номи бўлиб сифатланган нарсасиз жаннатга кириш мумкин” [16:177], “қандай қилиб бутунга қисмининг йўқолиши билан путур етмайди” [12:113], дея учта саволни ўртага ташлаган. Сўнг, ушбу саволларга “албатта, имон жаннатга киришнинг моҳияти, негизи бўлган фақат тасдиқнинг ўзи ёки у ҳамда икрор билан боғланади” [16:180], “амалнинг имон рукнига киритилишидан мақсад бу – нажот ва комиллик бўлиб, у шу асосга боғланади”, “амалнинг имон шартига киритилишидан мақсад бу – комил имондир” ва “икрор имон шартига киритилса-да, икрор қўшимча рукнлиги туфайли унинг йўқолиши билан имоннинг аслига путур етмайди” [12:113, 116], деб жавоб берган.

Аллома “ат-Талвих” асарида муаммога усул ал-фикҳ жиҳатидан ёндашган. Жумладан, у “рун бу – муайян нарса таркибига кирадиган нарсадир”, – деб, уни “аслий” ва “зоида” каби икки турга ажратган ва зоидани “зоида руң бу – шундай қисмки, унинг йўқолиши билан Шориъ эътибори жиҳатидан бутунликнинг ҳукми сақланиб қолади”, – дея таърифлаган. Айни шу қоидага кўра, Имом Шоғийнинг амални имоннинг рукнига киритиши бу – зоида жиҳатидан эканлигини таъкидлаган. Демак, шу асос билан ашъария таълимоти бошқа ботил қарашлардан ажратилган.

Тафтазоний хавориж, мұтазила каби адашган тоифалар амални имоннинг аслий рукни сифатида қарашларини келтириб ўтган [10:273-274]. У амаллар имоннинг аслий рукни эмаслигини исботлаш учун “Бурҳон ат-тамонеъ” услубидан фойдаланган. Яъни, у мўмин кишининг гуноҳкор бўлиши мумкинлиги ҳақида Куръон ва ҳадислардан далиллар келтирган. Чунончи, хавориж, мұтазила каби адашган тоифалар қарашига кўра, амал имоннинг аслий рукни ҳисобланиб, уни тарқ этган мусулмон киши диндан чиқади. Бундан аён бўладики, аллома масала доирасидаги фикрларни таҳлил қилиб, дастлаб усул қоидаси ва кейин нақлий далил билан ҳulosса қилган. Жумладан,

аслида дейди, аллома, имон бу – қалбнинг иши эканлигини ва факат у билан тўғри бўлишини айтиб, унга қўйидаги оят ва ҳадисларни нақлий далил сифатида келтирган:

أُولَئِكَ كَتَبْ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانُ

Айнан ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ) имонни битиб қўйган. (Мужодала сураси, 22-оят).

وَقُلْنَا مُطْمِئِنٌ

Лекин кимнинг қалби имон билан хотиржам ҳолда... (Наҳл сураси, 106-оят).

وَمَّا تَوْمَنَ قُلُوبُهُمْ

(Лекин) диллари имон келтирмаганлар. (Моида сураси, 41-оят).

وَلَمَّا يَدْخُلُ الْإِيمَانُ فِي قُلُوبِكُمْ

(Чунки, ҳануз) дилларингизга имон кирган эмасдир. (Хужурот сураси, 14-оят).

Набий (с.а.в.) дедилар: “Аллоҳим қалбимни дининга событ қилгин”.

Набий (с.а.в.) дедилар: “Кимнинг қалбida хантал уруғи миқдорича имон бор бўлса...”.

Усома (р.а.) “Лаилаха илла Аллоҳ”, деган бир кишини ўлдириб қўйганида, унга қаратса Набий (с.а.в.) “Ўша кишининг қалбини ёриб кўрдингми?!”, – деганлар.

Сўнг аллома бу борада ақлий далил келтириб, кимдир имонни тили билан иқрор қилиб, дили билан тасдиқламаса, ўша киши мунофиқ каби бўлади ва гарчи инсонлар кўз ўнгидаги мўмин хисобланса-да, Аллоҳ таоло ҳузурида мўмин эмас, деб хulosаси берган. Зеро, у бу фикр Абу Мансур Мотуридийники эканлигини ва Куръон ҳамда ҳадислар уни қўллаб-куvvatлашини таъкидлайди [3:471]. Шу жиҳатдан, икки томоннинг ҳам фикри муштарак.

Саъдуддин Тафтазоний юқоридагилар билан бир қаторда Имом Шамсулаимма Сарахсий (ваф. 490/1097), Фахрулислом Паздавий (400-482/1010-1090), Имом Абу Ҳафс Насафий каби кейинги давр олимлари эса, имон бу – тасдиқ ва иқрордан иборат деганларини ҳам келтирган. Бунга жавоб тарзида эса, имон бу – қалб билан тасдиқлаш бўлиб, тил билан иқрор бўлиш эса, бу дунёда шаръий ҳукмларни ижро этиш шартидир. Чунки, қалб билан тасдиқлаш ботиний (кўз билан кўриб бўлмас) иш бўлгани туфайли, уни билиш учун қандайдир аломат зарурдир. Имонни қалби билан тасдиқлаш, тили билан иқрор бўлмаган киши инсонлар

кўз ўнгидаги гарчи бу дунё ҳукмларида мўмин хисобланмаса-да, Аллоҳ таоло ҳузурида мўминдир [14:294], деб хulosasи берган. Бу қарашни кўплаб оят, ҳадислар ва ақлий фикрлар орқали далиллаган. Хусусан, у Куръондан “Раъд” сурасининг 29-ояти ҳамда “Хужурот” сурасининг 9-10-оятини келтириб шарҳлаган. Аллома имон ибодатнинг шарти эканига, агар бир кимса тасдиқ ва иқрор қилиб, ҳали амалларни адо қилишга улгурмасдан олдин вафот қилиб кетса, ўша шахснинг мўмин ҳолда вафот қилишига ижмо уммат ижмо қилганини зикр қилган [16:177].

Амаллар имоннинг шарти дейилишини Саъдуддин Тафтазоний мұтазилийлар қараши сифатида келтириб, уларнинг бу борадаги саккизта фикрига қарши кучли далилларни тақдим қилган. Бу далиллар орқали у мотуридия таълимотини ҳимоя қилган [16:177]. Тафтазоний “Бизнинг фикримизча, гунохи кабира қилган мўминдир”, деб мұтазилий ва хаворижнинг бу борадаги эътиқодий қарашларига раддиялар берган. Аллома бу хилдаги далил ва раддияларида машхур ҳанафий-мотуридий олими Абулмуъин Маймун ибн Мухаммад Насафийнинг “Табсирот ал-адилла” асаридан ҳам фойдаланган. Бу борадаги хulosasи шуки, амаллар имоннинг шарти эмас.

“Китоб ат-Тавхид”да қалб билан тасдиқлаш имоннинг асосий рукни эканига ургу берилиб, уни нақлий ва ақлий далиллар билан асослашга эътибор қаратилган. Шунингдек, бу ўринда мұтазила, хавориж каби тоифаларга нисбатан карромия тоифасига кўпроқ раддиялар берилган [3:418, 471-479]. Алломанинг ушбу масалани ёритиши “Китоб ат-Тавхид”га қараганда бу борадаги қарашларнинг муайян гурӯхларга ажратилгани, ҳар тоифанинг фикрлари ва далиллари бирма-бир алоҳида келтирилиб, уларга раддиялар берилгани ва мотуридия таълимотининг машҳур олимлари билдирган фикрларни ҳам таҳлил қилгани билан ажралиб туради.

5. Имоннинг кўпайиб-камайиши ёки кўпаймай-камаймаслиги. Мазкур масалада, Саъдуддин Тафтазоний ашъарийлар, Имом Шофий ва мұтазила тоифаси “имон кўпайиб-камаяди”, деб хисоблашларини таъкидлаб, баҳснинг сабаби имоннинг таърифи ва оддий инсонлар имони билан пайғамбарлар имонининг қатъиян тенг эмаслиги тўғрисидаги фикрга боғлиқлигини айтиб ўтган. Чунончи, алломага айни масала доирасида Имом Шофий ва ашъария таълимотини Аҳл ас-суннадан эканини ва мұтазила тоифасининг қарашлари

ботиллигини асослаш лозим бўлган. Шу мақсадда, уларнинг қарашлари ва далилларини бирмабир келтириб, уларга нақлий, ақлий ва тарихий воқелик жиҳатидан жавоблар берган. Жумладан, у “Мақосид ал-калом” матнида қуидагиларни ёзиб қолдирган: “Китоб (Қуръони карим) ва суннатнинг зоҳирига қараганда, имон кўпаяди ва камаяди. Бироқ, кўпчилик уламолар ундан бўмайди, деб ҳисоблаганлар. Чунки, имон жуда аниқлик чегарасига етиб қолган тасдиқdir, у эса, тафовутланмайди (яъни, тасдиқ кўпаймайди ва камаймайди). Агар имон бу – “тоат” учун исм, деб ҳисобланса, тафовут (яъни, амалларни кўп ёки кам бажариш билан) бўлади. Демак, бу масаладаги ихтилоф имоннинг таърифига кўра, юз берган. Лекин амални тарқ қилиш оқибатида имондан чиқиб кетмаслик дуруст бўлгани билан, бу ўринда имоннинг комил бўлиши борасида тафовутланиш мумкин, имоннинг аслида тафовут бўлмайди”. Аллома эса, бу ўринда имон бу – “қалб билан тасдиқлаш” бўлиб, у кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам, деган қатъий хulosани берган [16:210-211]. Сўнг, у “имоннинг кўпайиши ва камайиши” фикри тарафдорлари ўз қарашларида ақлий ва нақлий далилларга таянганини айтган. Жумладан, мазкур фикр тарафдорлари далилларидан қуидагиларни келтириш мумкин:

وَإِذَا تُلَيَّتْ عَلَيْهِمْ آيَاتٍ رَأَكُنُوكُمْ إِعْكَانًا.

Қачонки, уларга У зотнинг оятлари тиловат қилинса, иймонларини зиёда қилур. (Анфол сураси, 2-оят).

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ السَّكِينَةَ فِي قُلُوبِ الْمُؤْمِنِينَ
لِيُرْبِدُوا إِعْكَانًا مَعَ إِعْكَانِهِمْ.

У (Аллоҳ) Ўз имонларига яна имон қўшилиши учун мўминларнинг дилларига таскин туширган зотdir. (Фатҳ сураси, 4-оят).

Аллома эса, уларнинг далилларига уч бандда жавоб берган:

1. Зиёда бўлиши бу – имоннинг бардавом ва барқарор бўлиши, кўп замон ва соат давом этиш жиҳатидандир.

2. Зиёда бўлиши бу – имон келтирилиши лозим бўладиган нарсалар жиҳатидандир. Саҳобийлар (р.а.) ижмолий имон келтирганлар. Муайян фарздан кейин бошқа фарз келган. Улар эса, ҳар бир фарзга алоҳида-алоҳида имон келтирганлар.

3. Зиёда бўлиши бу – қалба имоннинг самараси кўпайиши ва нурининг порлашидир. Зоро, нур

солиҳ амалларни қилиш билан кўпаяди ва гуноҳ ишларни қилиш билан камаяди [16:213-214].

Олимнинг “Шарҳ ал-Ақоид” асарида Абу Ҳанифанинг Китоб (Қуръон) ва Суннат (ҳадис) даги имоннинг зиёда бўлиши борасидаги далилларга берган жавоби келтирилади. Унга кўра, саҳобийлар (р.а.) ижмолий имон келтирганлар. Муайян фарздан кейин бошқа фарз келган. Улар эса, ҳар бир фарзга алоҳида-алоҳида имон келтирганлар. Натижада, имон ҳам имон келтирилиши лозим бўладиган нарсалар нисбати билан зиёдалашиб бораверган. Бу ҳолатни эса, Пайғамбар (с.а.в.) даврларидан кейин тасаввур қилиб бўлмайди [14:296]. Чунки, имон шартларининг фарз қилиниши батамом тугаган. Эндиги одамлар уларнинг ҳаммасига бирданига имон келтирадилар. Хулоса шуки, имоннинг асли кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам.

“Китоб ат-Тавҳид”да ушбу масала баён қилинмаган [3].

6. Имон ва ислом тушунчалари. Имон ва ислом бир тушунчами ёки ҳар хилми деган масала борасида ҳам Аҳл ас-сунна билан адашган оқимлар ўртасида тарихда анча баҳс бўлиб ўтган. Гарчи, имон билан ислом сўзлари бир хил маънони англатишига аниқ, тўғри ечим мавжуд бўлса-да, бу ҳақидаги мунозарани бугунги қунда ҳам адашган фирқалар ўртасида кузатиш мумкин. Жумладан, Саъдуддин Тафтазоний ақоидга оид барча китобларида бу ҳақида алоҳида тўхталиб, имон ва ислом маънодош тушунчалар эканлигига ижмо қилинганини ва “Оли Имрон” сураси 85-оят каби нақлий далиллар мавжудлигини зикр қилган. Дастрраб, олим “шириатда бир киши мўмин-у мусулмон эмас, ёки мусулмон-у мўмин эмас, деб ҳукм қилинмайди”, дея мантикий далил келтирган. Ушбу фикрдан эса, ҳар бир мўмин бу – мусулмон ва ҳар бир мусулмон бу – мўмин экани маълум бўлади. Зотан, у ўз фикрини қўллаб-қувватлаш учун энг машҳур ҳанафий-мотуридий олимлардан Абулмуъин Насафийнинг “Табсирот ал-адилла” ва Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд Собуний (ваф. 580/1184) нинг “ал-Кифоя” китобларидан иқтибослар ҳам келтирган. Шунингдек, аллома Набий (с.а.в.) замонида инсонларга нисбатан “мўмин”, “кофир” ва “муноғиқ” каби атамалардан ташқари, тўртингиси (яъни, мусулмон) қўлланилмаганини айтиб, тарихий далил келтирган. У мазкур тушунчалар маънодошлигини таъкидлайдиганларнинг фикрини икки қисмга таснифлаган ва улар доирасида “Оли Имрон” сураси 84, 85, 102-оят, “Ҳадид” сураси 7-оят, “Хужурот” сураси 14, 17-оят, “Рум” сураси

53-оят ва “Ахзоб” сураси 22, 35-оятни нақлий далил сифатида келтириб, булардан бошқада шу каби оятлар кўплигини айтган ва уларни тафсир қилган. Қолаверса, у имон ва исломни алоҳида-алоҳида тушунчага ҳашавия ва баъзи муътазилийлар ажратганликларини айтиб, улар бу борадаги ўз қарашларига Куръондан Ҳужурот сураси 14-оятини мисол келтирганларини таъкидлаган:

قالَتِ الْأَغْرَبُ آمَّا قُلْنَمْ تَوْمُنُوا وَلَكِنْ قُولُوا أَسْلَمْنَا

Аъробийлар: “Имон келтиридик”, – дедилар. (Эй Мухаммад! Уларга) айтинг: “Сизлар имон келтирганингиз йўқ, лекин сизлар “Исломга кирдик” денг!

Аллома ушбу оятни: “шариатда эътибор қилинган ислом имонсиз бўлмайди. Ушбу оятдаги исломдан мурод бу – имон борасида тасдиқлашсиз “шаҳодат калимаси”ни талаффуз қилиш билан ботинан бўйсунишлик эмас, балки зоҳирий бўйсунишлик”, деб тафсир қилган. Шунингдек, мазкур тоифалар куйидаги ҳадисни ўз қарашларига далил сифатида келтирган:

Набий (с.а.в.) дедилар: “Ислом бу – Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Мухаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг элчиси эканлиги гувоҳлик беришинг ҳамда намоз ўқишинг, закот беришинг, Рамазон рўзасини тутишинг ва имкониятинг бўлганида ҳаж қилишингдир” (Ином Муслим ривояти).

Аллома мазкур далилни: “ушбу ҳадисдаги исломдан мурод бу – исломнинг самаралари ва аломатлари мана шу бешта нарсадир”, деб, куйидаги ҳадисни ҳужжат сифатида келтирган: “Набий (с.а.в.) хузурига бир қавмдан элчилар келганида, улардан “Ягона Аллоҳга имон келтириш нималигини биласизларми?”, деб сўраганлар. Улар “Аллоҳ ва Унинг Расули энг яхши билгувчи”dir, дедилар. Набий (с.а.в.) “Аллоҳдан Ўзга илоҳ йўқлигига ва Мухаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг элчиси эканлиги гувоҳлик бериш ҳамда намоз ўқиш, закот бериш, Рамазон рўзасини тутиш ва кўлга киритилган ўлжанинг бешдан бирини беришларингдир”, дедилар” (Ином Бухорий ривояти). Шунинг баробарида, аллома “ким имон ва исломнинг фарқли эканлигини исботласа, ўша кишига бундай савол берилади: “имон келтириб, таслим бўлмаган ёки таслим бўлиб, имон келтирмаган кишининг ҳукми нима”, деган мантиқий фикрни келтирган. Ушбу фикр хulosасида эса, агарда ўша киши бу ҳолатда улардан бирини бошқасиз ҳукман исботласа, унинг фикри ёлғонлиги ошкор бўлишини таъкидлаган [14:306, 16:206-210, 12:117-118].

Ином Абу Мансур Мотуридий “Китоб ат-Тавҳид” асарида имон ва ислом тушунчалари борасидаги фикрларни гуруҳларга таснифламаган. Шунингдек, унда раддиялар муайян адашган тоифа номига нисбатан эмас, балки, умумий тарзда баён этилган. Зоро, масала Куръон оятларидан қўпроқ истифода қилинган ҳолда ёритилган. Лекин унда Саъдуддин Тафтазоний томонидан келтирилган – “Набий (с.а.в.) хузурига бир қавмдан элчилар келганида улардан “Ягона Аллоҳга имон келтириш нималигини биласизларми”, деб сўраганлиги” ҳақидаги ҳадис кўрсатилмаган. Ваҳоланки, ушбу ҳадис мазкур икки тушунчанинг маънодошлигига очиқ-ойдин далолат қилувчи муҳим ҳужжатлардан ҳисобланади [3:491-499].

7. Имонда истисно. Имонда истисно бор ёки йўқлиги масаласи бу – кишининг “Мен ҳақиқатан ҳам мўминман” (أَنَا مُؤْمِنٌ حَقًّا) – ёки “Мен Аллоҳ ҳоҳласа, мўминман” (أَنَا مُؤْمِنٌ إِن شَاءَ اللَّهُ) – дейишидир. Зоро, Саъдуддин Тафтазоний бу борада мотуридия таълимоти мавқеидан туриб, бир жиҳатдан, ашъария таълимоти тарафдорлари, иккинчи томондан, адашган оқимлар билан ҳам баҳс ва мунозаралар қилган. Масалага оид барча қарашларни тўртта умумий категория бўйича жамлаш мумкин [5:350⁶]. Аллома эса, имонда истисно жоиз, дейдиганларнинг қарашларини учта категорияга ажратиб, уларни нақлий далилсиз, мантиққа асосан таҳлил қилган [16:214-217]. Аллома масала бўйича хulosса ўрнида куйидагича фикрни илгари сурган: “Қачонки, бандада тасдиқ билан икрор топилса, ўша кишининг имони рўёбга чиқиши учун, у “Мен ҳақиқатан мўминман” – дейиши дуруст бўлади. Айни шу ҳолатида ўша кишининг “Мен, иншоаллоҳ, мўминман” – дейиши лойиқ эмас. Чунки, “Иншоаллоҳ” сўзидан инсон ўзининг имони борасида шак-шубҳа назарда тутилса, очиқ-ойдин у куфрдир. Ҳатто, “Иншоаллоҳ” сўзидан Аллоҳ таолога одоб сақлаб ва ишларни Аллоҳ таолонинг ҳоҳишига ҳавола қилиш, айни пайт ва ҳолатда эмас, оқибат ва келажақда имон қолиши борасида шак-шубҳа қилиш, Аллоҳ таолонинг зикрини табаррук қилиш ёки ўша киши ўзининг нафсини пок эмаслиги ва ўзининг ҳолидан ажабланиши кабилар назарда тутилган тақдирда ҳам, “Мен, иншоаллоҳ, мўминман” – деб айтмаган афзалдир. Чунки, у ўз-ўзидан шак-шубҳага олиб келади” [14:308-311]. Охирги бу фикр билан аллома ашъария таълимоти тарафдорларини ҳам Аҳл ас-суннадан эканлигига далолат қилган.

Имом Абу Мансур Мотуридий “Китоб ат-Тавхид” асарида имонда истисно масаласи борасидаги фикрларни гурухларга бўлиб таснифламасдан, уларни умумий тарзда баён этган. Шунингдек, унда фақат мұтазилия, хавориж ва ҳашавия каби тоифалар номлари келтирилиб, уларга раддиялар берилган. Берилган раддияларда мантиқ қоиадаларидан кўра, Қуръон оятларидан кўпроқ истифода қилинган. Умумий хуоса эса, имонда истиснонинг жоиз эмаслиги ҳисобланади [3:486-491].

8. Имоннинг яратилган ёки яратилмаганлиги. Бу масаланинг юзага келиш тарихи II/VIII асрға бориб тақалади. Хусусан, у Қуръоннинг яратилган ёки яратилмаганлиги воқеасига бевосита боғлиқ саналса-да, моҳияттан банданинг феъли мавзусига оид бўлиб, шу эҳтимол билан ҳам, уни Саъдуддин Тафтазоний айни ўша бобда келтирган ва уни ёритишда банданинг феъли жиҳатидан ёндашган ва имон мавзусида унга алоҳида тўхтамаган. Шуни таъкидлаш керакки, олим масала ҳақида фақат “Шарҳ ал-Мақосид” китобида баён қилган. Бу эса, ушбу масала долзарблиги бошқа мавзуга оид масалалардан кўра камроқлигига далолат қиласди. Акс ҳолда, у соҳага оид барча китобларида уни келтирган бўларди. Жумладан, аллома бу борада “Сизлар (яъни, ҳанафий-мотуридий)нинг наздингизда имон бу – Аллоҳ таолонинг яратгани ва улар (яъни, мұтазилийлар)нинг қарашидан эса, банданинг яратгани. Баъзи фатво китобларида, ким имонни махлук деса, коғир бўлиши қайд этилган. Буни қандай тушиниш керак?”, деган савонни келтириб, унга жавоб сифатида Абул Муъин Насафийнинг фикрини баён этиб, бу билан уни қўллаб-қувватлаган [15:236-237].

Имом Абу Мансур Мотуридий “Китоб ат-Тавхид” асарида “имон бу – ўз эгасига яхши, хайр, тўғри йўл ва зийнат бўлиб, имонни тавсиф қиласиган барча сифатлар махлукдир”, деб унга далил сифатида “Ҳужурот” сураси 7, 14-оятлари ва “Моида” сураси 41-оятини келтирган. Ҳуоса ўрнида эса, у имоннинг жойи қалб ва у қалбнинг иши эканлигини ҳамда яратилмаган нарсанинг яратилган қалбда бўлиши эҳтимолдан йироқлигини келтириш билан чекланган [3:486]. Бу эса, Саъдуддин Тафтазоний масалага имоннинг сифати жиҳатидан ёндашганини билдиради.

9. Оддий инсонлар имони билан пайғамбарларнинг имони тенгми ёки йўқ? Ушбу масала борасида ҳам мотуридия таълимоти билан ашъария таълимоти тарафдорлари ўртасида баҳс бўлиб

ўтган. Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-Ақоид” асарида “баъзи муҳаққиқ олимлар айтганки, биз “тасдиқлашнинг ҳақиқати кўпайишлик ва камайишликни қабул қилмайди”, деган фикрга асло қўшила олмаймиз. Балки, тасдиқлашнинг ҳақиқати қувват ва заифлик жиҳатидан фарқланади. Қатъйки, ислом умматидан баъзи бир кишиларнинг тасдиқлаши Набий (с.а.в.)нинг тасдиқлаши билан баробар эмас”, деган жумлани келтирган [14:300]. Бу масаланинг жавобини аллома “Шарҳ ал-Мақосид” китобида “албатта, тасдиқ бу – аниқлик бўлиб, у бутун ҳақида мўътабардир. Зарурий ва назарий аниқликдаги каби тасдиқнинг тафовутни қабул қилиши мумкин бўлмайди”, дейа келтирган [16:211]. “Китоб ат-Тавхид”да ушбу масала баён қилинмаган [3:538].

Ҳуоса

Ҳуоса ўрнида шуни айтиш керакки, Саъдуддин Тафтазоний асарларида имон мавзусига таалуқли тўққизта масалани жамлаган бўлиб, улардан ижмолий имон ва тафсилий имон, тақлидий имон ва таҳқиқий имон, имоннинг кўпайиб-камайиши ёки камаймаслиги, оддий инсонлар имони билан пайғамбарларнинг имони тенглиги ёки баробар эмаслиги каби тўрт масала Имом Абу Мансур Мотуридийнинг “Китоб ат-Тавхид” китобида келтирилмагани аниқланди.

Аллома мавзуни ёритишда тоифаларнинг бу борадаги қарашларини муайян мантиқий туркумларга таснифлаб, уларнинг далиларига вазият тақозосига кўра, нақлий ва ақлий далиллар билан раддиялар берган. Бу жараёнда, у ашъария таълимотини ҳам Аҳл ас-суннадан эканлигига алоҳида урғу берган. Шу жиҳатлари билан ҳам, унинг асарлари “Китоб ат-Тавхид” китобидан ажралиб туради.

Демак, Саъдуддин Тафтазоний мотуридия таълимоти ривожига бир жиҳатдан, ўзининг “Шарҳ ал-Ақоид”, “Мақосид ат-толибин”, “Шарҳ ал-Мақосид” ва “Фояту таҳзиб ал-калом” каби асарлари билан ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган бўлса, иккинчи томондан, ўзининг ақидавий мавзуларни баён қилиш ва далиллаш услуги билан бойитган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жамолуддин Абулмаҳосин Юсуф ибн Туғро Барда. Ад-Далил аш-шофий ала Ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Мактабат ал-Хонжи, 1955. Ж. II. – 584 б.

2. Жамолуддин Абулмаҳосин Юсуф ибн Туғро Барда. Ал-Манҳал ас-софий ва-л-муставфий баъда

ал-вофий. – Қохира: Дор ал-күтуб ал-васоиқ ал-қоамия, 2005. – Ж. XI. – 356 б.

3. Имом Абу Мансур Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Маҳмуд Мотуридий Самарқандий. Китоб ат-Тавҳид / Тахрир ва таълиқлар мұаллифи: Доктор Бекир Топалұғлу. – Байрут: Дор Содир, 2001. – 538 б.

4. Абулхайр Исомуддин Ахмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкүпразода. Мифтох ас-саода ва мисбоқ ас-сияда фи мавдуға ал-улум. – Байрут: Дор ал-күтуб ал-илмия, 1975. – Ж. I. – 405 б.

5. Малик Ахмад ибн Малик Пир Мұхаммад Форуккій. Ҳошия ала Шарҳ ал-Илаҳиёт ва ас-Самъиёт ли Ал-Мақосид. Хоутон кутубхонаси фонди. – Қўлёзма. – № 4156. – 452 в.

6. Мулла Нуруддин Абулҳасан Али ибн Султон Мұхаммад Қорий Ҳаравий Маккий. Мирқот ал-мағотих. – Байрут: Дор ал-күтуб ал-илмия, 2001. – Ж. III. – 574 б.

7. Абулҳасанот Мұхаммад Абдулҳай Ҳиндий Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафия. – Байрут: Дор ал-Арқам ибн Аби ал-Арқам, 1998. – 632 б.

8. Мұхаммад ибн Али Шавконий. Ал-Бадр ат-толий. – Қохира: Дор ал-китаб ал-исломий, 1997. – Ж. II. – 652 б.

9. Саъдуддин Тафтазоний. Ал-Мутаввал. – Бұхупал: ал-Матбаа аш-Шохжоҳоний, 1311. – 448 б.

10. Саъдуддин Тафтазоний. Ат-Талвих ала ат-Тавзих ли матн ат-Танқиҳ фи усул ал-фиқх. – Байрут: Дор ал-күтуб ал-илмия, 1996. – Ж. II. – 432 б.

11. Саъдуддин Тафтазоний. Мақосид ат-толибин фи усул ад-дин. – Нью Жерси: Принстон университети кутубхонаси фонди. – Қўлёзма. – № 867Y. – 108 в.

12. Саъдуддин Тафтазоний. Матн Таҳзиб ал-мантиқ ва-л-қалом / Таълиқлар мұаллифи: Шайх Абдулқодир ибн Мұхаммад Саъид Қурдий. – Қохира: Матбаа ас-саъода, 1330/1912. – 128 б.

13. Саъдуддин Тафтазоний. Рисола ал-худуд / Таҳқиқ мұаллифи: Шариф Абулаъло Адавий. – Байрут: Дор ал-күтуб ал-илмия, 2003. – 184 б.

14. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Ақоид ан-насафия. – Карачи: Мактаба ал-бушро, 2009. – 415 б.

15. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид / Тахрир ва таълиқлар мұаллифи: Доктор Абдураҳмон Умайра. – Байрут: Олам ал-күтуб, 1998. – Ж. IV. – 355 б.

16. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид / Тахрир ва таълиқлар мұаллифи: Доктор

Абдураҳмон Умайра. – Байрут: Олам ал-күтуб, 1998. – Ж. V. – 323 б.

17. Такиййуддин Ахмад ибн Али Макризий. Дураг ал-Уқуд ал-фарида. – Байрут: Дор ал-Ғарб ал-исломий, 2002. – Ж. III. – 586 б.

18. Шихобуддин Ахмад ибн Али ибн Мұхаммад Асқалоний. Ибн ал-ғұмр би абна ал-ұмр. – Қохира: Дор ат-Таовун, 1969. – Ж. I. – 585 б.

